O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: xalksuzi@uzpak.uz ● 2004 йил 22 май № 108 (3383) Шанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистонда мустақилликнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятни ислоҳ қилиш ва янгилаш жараёнининг энг муҳим бўғини, жамиятдаги демократик ўзгаришларнинг, иқтисодиётни барқарор ривожлантиришнинг, республикани жаҳон ҳамжамиятига интеграциялашувининг зарур ва мажбурий шарти сифатида таълим соҳасини ислоҳ қилиш сиёсати изчиллик билан амалга оширилмоқда.

Белгиланган мақсадга эришиш учун Кадрлар тайёрлаш миллий дастури қабул қилиниб, муваффақиятли амалга оширилмоқда. Ушбу дастур 9-синф битирувчиларини касб-ҳунар таълими тизими билан тўла қамраб олишни таъминлашга, ўқувчиларнинг умумий ўрта таълим билан бир қаторда аниқ бир касбни эгаллаб олишларига қаратилган. Дастурга мувофиқ принципиал янги типдаги ўрта ҳунар ўқув муассасалари тармоғи шакилланди. Замонавий ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланган 533 та касб-ҳунар коллежи ва 54 та академик лицей барпо этилди. Коллежлар ва лицейларни қуриш ҳамда жиҳозлаш бўйича мамлакатимиз индустрияси яратилди. Янги таълим стандартлари ва ўқув дастурлари ишлаб чиқилди.

Бугунги кунда Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ёш авлодга узлуксиз таълим бериш ва уни тарбиялаш жараёнини яхлит қамраб оладиган ягона таълим мажмуи ҳисобланади. Бунда таълим тизимининг ҳар бир бўғини алоҳида ўрин ва масъулиятга эгадир. Дастурни тўлиқ амалга ошириш, қўйилган вазифаларга эришиш ана шу бўғинларнинг ҳолати ва ривожланиш даражасига, уларнинг ўзаро уйғунлигига боғликдир.

Шу билан бирга, таҳлиллар шуни кўрсатадики, бутун тизимнинг энг муҳим бошланғич босқичи бўлган мактаб таълимининг ортда қолаётгани яхлит узлуксиз таълим занжирида энг заиф бўғин бўлиб қолмоқда. Бунинг асосий сабаби мактаблар моддий базасининг заифлиги бўлиб, уларнинг 40 фоизга яқини типовой бўлмаган мослаштирилган биноларда жойлашган, жами 9727 та мактабдан 684 таси авария ҳолатидадир. Кўпгина мактаблар марказлаштирилган иситиш системасига эга эмас, ичимлик сув ва табиий газ билан таъминланмаган. Ўқувчиларнинг 28 фоиздан кўпроғи икки-уч сменада ўқитилади. Мактабларнинг ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозланиш даражаси 29 фоизни, замонавий компьютер техникаси билан таъминланиши эса 15 фоизга яқинни ташкил қилади. Мактабларнинг фақат ярмигина спорт залларига эга, уларнинг спорт ускуналари ва анжомлари билан жиҳозланиши эса 23 фоиздан ошмайди. Айниқса, қишлоқ жойлардаги мактабларнинг моддий базаси қониқарсиз аҳволда.

Ўқитувчилар, энг аввало, бошланғич синф ўқитувчиларининг меҳнатини рағбатлантириш борасида таркиб топган тизим мактаб таълимида ҳамон заиф бўғин бўлиб қолмоқда, бунда педагоглар истеъдоди, касб маҳорати уларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш чоғида ҳали ҳам белгиловчи мезонга айланмаяпти.

Кадрлар тайёрлаш миллий дастурини муваффақиятли амалга оширишнинг муҳим шарти сифатида мактаб таълимининг орқада қолишига барҳам бериш ҳамда мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва узлуксиз таълимнинг ягона тизимини шакллантириш билан боғлиқ мавжуд жиддий муаммоларни бартараф этиш мақсадида:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2004 йил 19 февралдаги Ф-1910-сонли Фармойиши билан тузилган Махсус комиссия ва ишчи гуруҳлари томонидан республика минтақаларида бевосита бўлиб, барча умумий таълим мактаблари тўлиқ рўйхатдан ўтказилганлиги, уларнинг моддий-техника базасининг ҳозирги ҳолати танқидий ва батафсил ўрганиб чиқилганлиги, мактаблар паспортлаштирилганлиги, мактабларни қайта тиклаш борасидаги ишларнинг мезонлари ишлаб чиқилганлиги ҳамда аниқ тип ва йўналишлари белгилаб олинганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

2. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш мамлакатда таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ҳозирги босқичидаги энг муҳим вазифа деб ҳисоблансин.

Мактаб таълим тизимини тубдан яхшилашни; энг юқори замонавий талабларга мос келадиган ўқув-моддий базаси ва таълим стандартлари шакллантирилишини; яшаш жойидан қатъи назар, қишлоқ ва шаҳар мактабларининг моддий базаси ҳамда таъминланиш даражасидаги тафовутларни босқичма-босқич бартараф этиш асосида болаларнинг таълим олиши учун тенг шарт-шароитлар яратилишини; ўқитувчилар меҳнати ҳар томонлама рағбатлантирилишини кўзда тутувчи Давлат умуммиллий дастурининг асосий тамойиллари ва мақсадли вазифалари маъқуллансин.

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга оширишнинг қуйидаги асосий йўналишлари белгилансин:

капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлашнинг, авария ҳолатидаги мактаб биноларини бузиб ташлашнинг манзиллари аниқ кўрсатилган дастурларини ва мактаб биноларининг намунавий лойиҳаларини ишлаб чиққан ҳолда умумий таълим мактабларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш;

мактабларни замонавий ўқув ва лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-услубий материаллар билан таъминлаш;

таълим тизимида қўлланилаётган ўқув стандартлари ва ўқув дастурларини такомиллаштириш;

умумий таълим мактаблари, биринчи навбатда қишлоқ жойлардаги мактабларни малакали педагог кадрлар билан таъминлаш, улар таркиби сифатини ошириш, ўқитувчилар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини оширишнинг самарали тизимини яратиш, ўқитувчилар меҳнатини рағбатлантиришни кучайтириш;

умумий таълим мактабларида спортни ривожлантириш ва уларнинг спорт базасини мустаҳкамлаш.

3. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш борасидаги ишларнинг бутун комплекси бажарилиши учун масъулият Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шаҳри, шаҳарлар ва туманлар ҳокимликлари зиммасига юклатилсин.

Дастурни амалга ошириш борасидаги ишларни мувофиқлаштириш мақсадида ҳар бир алоҳида шаҳар ва туман бўйича ишлар жабҳаси ва уларни бажариш муддатлари аниқ белгиланиши, бузиб ташланадиган, капитал реконструкция қилинадиган ва капитал таъмирлаш талаб этиладиган мактаблар жойлашган манзилларнинг хариталарини тузиш кўзда тутилсин ва шу асосда ҳар бир объект бўйича тиклаш ишлари мактаблардаги ўқув жараёнига зарар етказмаслиги учун уларни бажаришнинг аниқ дастурлари тайёрлансин.

4. Бюджет маблағлари, корхона ва ташкилотларнинг ўз маблағлари, юридик ва жисмоний шахсларнинг ҳомийлик маблағлари, хорижий кредитлар ва грантлар 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини молиялашнинг асосий манбалари этиб белгилансин.

Ушбу маблағларни жамлаш ва улардан мақсадли фойдаланиш учун Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузурида бюджетдан ташқари махсус Мактаб таълими жамғармаси ташкил қилинсин.

Белгилаб қўйилсинки, бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасининг маблағларидан маориф тизимини жорий молиялашга бюджет маблағлари ажратиш билан бир қаторда фақат мактабларни қайта тиклаш, уларни ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, мактаб парталари ва мебель билан таъминлаш борасидаги ишларни амалга ошириш мақсадидагина фойдаланилади.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва унинг вилоят тузилмалари зиммасига Жамғарма маблағларидан мақсадли ҳамда самарали фойдаланилиши устидан назорат ўрнатиш вазифаси юклатилсин.

5. Белгилаб қўйилсинки, хўжалик юритувчи субъектларнинг 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини молиялаш учун мақсадли йўналтирилган ҳомийлик маблағлари даромад (фойда) солиғини ҳисоблашда солиққа тортиладиган базадан чиқариб ташланади.

Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги, Молия вазирлиги, Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш учун хорижий кредитлар ва грантларни имтиёзли шартларда жалб этиш бўйича халқаро молия институтлари ва бошқа хорижий донорлар билан доимий асосда иш олиб борсинлар.

6. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги:

бир ой муддатда бюджетдан ташқари Мактаб таълими жамғармасини шакллантириш ва унинг маблағларидан фойдаланиш тартиби тўғрисидаги Низомни ишлаб чиқиб, белгиланган тартибда тасдиқласин, Низомда шундай механизм кўзда тутилсинки, бунда Молия вазирлиги бюджетни тасдиқлаш чоғида Дастурни амалга ошириш учун мўлжалланган маблағлар ҳажмини алоҳида сатр билан ҳар бир вилоятга етказади, айни вақтда Жамғарма орқали ана шу маблағлар вилоят ҳокимликлари ва Тошкент шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига етказилади;

Молия вазирлиги ҳузурида Жамғарманинг Ижроия дирекциясини тузиш, Жамғармани бошқариш бўйича Кенгашни ташкил этиш, шунингдек, Ижтимоий соҳани молиялаш бош бошқармаси таркибида мактаб таълими бўлимини тузиш бўйича таклифлар икки ҳафта муддатда Вазирлар Маҳкамасига киритилсин, мактаб таълими бўлими зиммасига Мактаб таълимининг бюджетдан ташқари жамғармаси маблағларидан фойдаланилиши устидан молиявий назоратни амалга ошириш вазифаси юклатилсин.

7. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси икки ой муддатда қуйидагиларни амалга оширсин:

мактабларни рўйхатдан ўтказиш асосида фойдаланилаётган мактабларни турларига қараб системалаштириш, уларнинг моддий базаси ҳозирги аҳволини баҳолаш мумкин бўлган сифат ва сон мезонларини белгилаш, бу ўринда зарур коммуникациялар, сув, иссиқлик ва мактаб инфратузилмаси мавжудлигига алоҳида эътибор қаратиш;

системалаштириш натижаларига кўра мактабларни тиклаш бўйича намунавий лойиҳаларнинг бир неча вариантини ва энг юқори меъёрий харажатларини ҳар бир вилоят, шаҳар, туман, қишлоқ шароитларига мослигини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқиш, бунда улар тўрт йўналиш бўйича — эскиларининг ўрнига янги мактаблар қуриш, капитал реконструкция қилиш, капитал ва жорий таъмирлаш зарурлиги жиҳатидан кўриб чиқилади. Бунда асосий талаб — биринчи навбатда, хавфсизлик ва ўқув жараёни талабларига мувофиқлик ҳамда капитал реконструкция қилиш ва капитал таъмирлаш харажатлари шу турдаги янги мактаб қури-

(Давоми 2-бетда).

БОЛАЛАР МАЗМУНЛИ ДАМ ОЛАДИ

Вазирлар Маҳкамасида Болаларни ёзги соғломлаштириш ва дам олдириш бўйича республика комиссиясининг кенгайтирилган мажлиси бўлиб ўтди. Унда 2003 йил болаларни соғломлаштириш ва дам олдириш якунлари ҳамда 2004 йил мавсумини уюшқоқлик билан ўтказишга оид масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари А.Азизхўжаев бошқарган мажлисда болаларни ёзги дам олдириш мавсумини уюшқоқлик билан ўтказиш муҳим ва масъулиятли вазифа экани таъкидланди. Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан Меҳр ва мурувват йили деб эълон қилинган 2004 йилда Меҳрибонлик уйлари, махсус мактаб-интернатлар тарбияланувчилари, кам таъминланган, серфарзанд, ижтимоий кўмакка муҳтож оилалар фарзандларини имтиёзли тарзда оромгоҳларда дам олдиришга алоҳида эътибор қаратилмоғи лозим. Оролбўйи минтақасидаги ўғил-қизларни соғломлаштириш доимий диққат-эътиборда бўлмоғи даркор.

Мажлисда барча турдаги оромгоҳларни мавсумга тайёрлаб даражасида тайёрлаш, сифатли озиқ-овқат маҳсулотлари, зарур техник жиҳоз ва анжомлар, спорт буюмлари, дори-дармон билан таъминлаш зарурлиги таъкидланди.

Оромгоҳларга малакали ва моҳир педагог-тарбиячи, етакчи ва бошқа мутахассисларни жалб этиш, ёшлар онгига миллий истиқлол, Ватанга муҳаббат, юртга садоқат ғояларини сингдиришга қаратилган маърифий-маънавий тадбирларни юксак савияда ўтказиш лозимлигига алоҳида эътибор қаратилди.

Мажлисда Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон хотин-қизлар қўмитаси раиси С.Иномова иштирок этди.

Н.УСМОНОВА,
ЎзА мухбири.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

21 май куни Ўзбекистон Республикаси адлия вазири А.Полвонзода хорижий ва республика оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ўтказди. Унда вазирликнинг Ўзбекистонда фаолият юритаётган халқаро ва чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатга олиш бўйича ишларининг натижалари журналистлар эътиборига ҳавола этилди.

Илгари Ташқи ишлар вазирлиги бажарган рўйхатга олиш масалалари Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 11 декабрдаги қарорига мувофиқ Адлия вазирлиги зиммасига юкланган эди.

Адлия вазири маълумотларига қараганда, вазирликка келган ҳужжатларни тезкор кўриб чиқиш, рўйхатдан ўтказиш жараёнини ўз вақтида ва малакали амалга ошириш учун барча ташкилий шарт-шароит яратилган. Рўйхатга олиш тўғрисидаги ариза билан вазирликка 76 ташкилот мурожаат қилган бўлса, шулардан 73 таси рўйхатга олинган ва давлат реестрига киритилган. Уларга давлат рўйхатидан ўтганлиги тўғрисида шаҳодатномалар берилган. Айни чоғда ушбу ташкилотлар Ўзбекистонда ўз фаолиятини қонуний асосларда амалга оширмоқда. Чет эл ташкилотлари ваколатхоналари ва филиаллари фойдаланган барча, шу жумладан, божхона ва солиқ бўйича имтиёзлар тўла сақлаб қолинган. Яна иккита ташкилот — "Венгрия экумен хизмати" (Венгрия) ва "Мэрлин" (АҚШ) ваколатхоналарининг ҳужжатлари кўриб чиқилмоқда.

Бир қатор хорижий ноҳукумат ташкилотлар ваколатхоналарининг фаолиятида Ўзбекистон қонунчилигини бузиш ҳолларига йўл қўйилганлиги учун бундай ҳолат яна такрорланса, уларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги қарор қайта кўриб чиқилиши ҳақида огоҳлантирилди. Бундай расмий огоҳлантиришлар АҚШ Халқаро муносабатлар миллий демократик институти, Халқаро Республика институти (АҚШ) ва "Фридом Хауз" ваколатхоналарига билдирилди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг
ҚАРОРИ

"Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини амалга киритиш ҳақида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси **ҚАРОР ҚИЛАДИ:**

1. "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни матбуотда эълон қилинган кундан эътиборан амалга киритилсин.

2. Ўзбекистон Республикаси Ҳукумати (Ш.Мирзиёев) ўз қарорларини "Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига мувофиқлаштирсин, вазирликлар, давлат қўмиталари ҳамда идоралар мазкур Қонунга зид бўлган ўз норматив ҳужжатларини қайта кўриб чиқишлари ва бекор қилишларини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлисининг Раиси
Э. ХАЛИЛОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 апрель.

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2004 йил

Қирқиш чизиғи

6-модда. Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган тимсол

Ўзбекистон Республикаси қизил ярим ой тимсолидан фойдаланади.

Ўзбекистон Республикаси фойдаланадиган қизил ярим ой тимсоли оқ фонда ойнинг биринчи чорагидаги ҳолатда, унга қараб турган одамга нисбатан олганда ҳар иккала учи чап тарафга қаратилган тарзда ифодаланган қизил рангли ярим ой тасвиридан иборат.

7-модда. Қизил ярим ой тимсолидан фойдаланиш

Қизил ярим ой тимсолидан фарқловчи ёки ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилиши мумкин.

Қизил ярим ой тимсолидан бинолар, иншоотлар, транспорт воситалари, бошқа мол-мулк, шунингдек ходимлар Қизил Ярим ой ва Қизил Хоч Халқаро ҳаракати ташкилотларига мансублигини белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Умум эътироф этилган халқаро нормаларга мувофиқ фарқловчи тимсол ўлчами кичикроқ бўлиши ва ундан қўлбоғичларда фойдаланилмаслиги ҳамда бу тимсол биноларнинг томига ўрнатилмаслиги керак.

Қуролли можаролар даврида қизил ярим ой тимсолидан ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларга ёрдам кўрсатувчи тиббий тузилмаларни, тиббий ходимларни, шунингдек санитария-транспорт воситаларини белгилаш учун ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Ҳимояловчи тимсол текис сиртга ёки байроққа туширилган бўлади ва у ҳамма тарафдан ҳамда узоқ масофадан кўриниб туриши лозим.

8-модда. Қизил ярим ой тимсолидан ҳарбий тиббий тузилмаларнинг фойдаланиши

Ҳарбий тиббий тузилмалар қизил ярим ой тимсолидан ўз тиббий ходимларини ва санитария-транспорт воситаларини белгилаш учун ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланадилар.

Қизил ярим ой тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланувчи ҳарбий тиббий ходимлар қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

9-модда. Қизил ярим ой тимсолидан фуқаро тиббий тузилмаларининг фойдаланиши

Бепул тиббий ёрдам кўрсатувчи фуқаро тиббий тузилмалари Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг розилиги билан тинчлик даврида қизил ярим ой тимсолидан санитария-транспорт воситаларини ва биринчи тиббий ёрдам пунктлари жойлашган ерларни белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланадилар.

Қуролли можаролар даврида фуқаро тиббий тузилмалари, тиббий ходимлар, шунингдек санитария-транспорт воситалари Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсатига биноан ҳимояловчи тимсол сифатида қизил ярим ой тимсоли билан белгиланади. Тиббий ходимлар қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

10-модда. Қизил ярим ой тимсолидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг фойдаланиши

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамияти қизил ярим ой тимсолидан ўз бинолари, иншоотлари, транспорт воситалари, бошқа мол-мулки, шунингдек ходимлари мансублигини белгилаш учун фарқловчи тимсол сифатида фойдаланади.

Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг тиббий тузилмалари, тиббий ходимлари, шунингдек санитария-транспорт воситалари қуролли можаролар даврида ҳарбий тиббий тузилмаларнинг ихтиёрига берилган тақдирда қизил ярим ой тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланилади. Тиббий ходимлар бундай пайтларда уруш даври қонунла-

Буклаш чизиғи

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

2004-2009 ЙИЛЛАРДА МАКТАБ ТАЪЛИМИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ДАВЛАТ УМУММИЛЛИЙ ДАСТУРИ ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

лиши қийматидан ошмаслигини таъминлаш;

мактабларни капитал реконструкция қилиш намунавий лойиҳалари макетларининг кўргазмасини ташкил этиш, капитал ва жорий таъмирлаш намунавий лойиҳалари ва энг юқори меъёрий харажатлари альбомини тайёрлаш ва амалиётда қўллаш учун нашр этиш.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасига намунавий лойиҳаларни тайёрлаш учун иқтидорли лойиҳачилар ва сметачилардан иборат ишчи гуруҳлари ташкил этиш ҳуқуқи берилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси томонидан тасдиқланмаган намунавий лойиҳаларсиз ва меъёрий харажатларнинг юқори кўрсаткичисиз мактабларни тиклаш ишларининг амалга оширилиши қатъиян тақиқлансин. Намунавий лойиҳани реал шароитга мослаштириш чоғида ундан ҳар қандай чекиниш Даврархитектқурилиш қўмитаси билан келишиб олиниши лозим.

Белгилаб қўйилсинки, Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси мактабларни тиклаш ишларини амалга оширишда намунавий лойиҳалар ҳамда тасдиқланган қурилиш меъёрлари ва қоидаларига риоя этилиши учун масъул ҳисобланади.

Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев) Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси билан биргаликда икки ой муддатда республика вилоятларида манфаатдор тузилмалар билан бирга шаҳар, қишлоқ ва тоғли жойлар шароитини ҳисобга олган ҳолда намунавий лойиҳаларга риоя этиш юзасидан масъулиятни ошириш талабларини бевосита ижрочиларга етказиш учун семинар ва кенгашлар ўтказсин.

9. 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини амалга ошириш юзасидан буюртмачи вазифаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига юклатилсин.

Давлат архитектура ва қурилиш қўмитаси Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари ҳузуридаги ягона буюртмачи хизматларига ўзининг вакилларини бириктирсин, уларнинг зиммасига Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга ошириш бўйича қилинаётган ишларнинг тасдиқланган намунавий лойиҳалар, қурилиш меъёрлари ва сифатига мувофиқлигини таъминлаш масъулияти юклатилсин.

10. Махсус комиссия (Ш.М.Мирзиёев), Вазирлар Маҳкамасининг қурилиш ва ижтимоий комплекслари Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан бирга қуйидагиларни амалга оширсин:

икки ой муддатда Мактаб таълимини ривожлантириш дастурини амалга оширишга ихтисослашган мавжуд пудратчи қурилиш ташкилотлари ва қурилиш саноати объектларини рўйхатдан ўтказиш;

Дастурни амалга ошириш учун касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар қурилишига жалб этилган қурилиш саноати корхоналари ва пудратчи ташкилотлар имкониятларидан фойдаланиш;

намунавий лойиҳалар талабларидан келиб чиқиб, мактабларни тиклашда ишлатиладиган намунавий қурилиш конструкциялари ва бирикмаларини белгилаш ва тасдиқлаш, экспертиза ва синовдан ўтказиш, шундан сўнг уларни ишлаб чиқаришни ташкил этиш.

11. Ўзбекистон Республикаси Иқтисодиёт вазирлиги манфаатдор идоралар билан бирга, касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни жиҳозлаш бўйича тўпланган тажрибадан келиб чиқиб, 2004 йил 1 октябргача:

мамлакатимиз корхоналарида ишлаб чиқарилаётган мактаб парталари, мактаблар учун мебель ва бошқа ўқув ускуналари танловини эълон қилсин ва кўргазмасини ташкил этсин;

Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги иштирокида мактаб ва ўқув ускуналарининг муайян турларини ишлаб чиқаришга доир давлат буюртмасининг беш йиллик дастурини ишлаб чиқсин;

мактаб ва ўқув ускуналарини ишлаб чиқариш давлат буюртмасини бериш учун мамлакатимиз ишлаб чиқарувчилари ўртасида тендер ўтказсин.

12. Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳри ҳокимликлари билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача 2005-2009 йилларда мактабларни замонавий ўқув-лаборатория жиҳозлари ва компьютер техникаси билан жиҳозлаш бўйича махсус дастур тайёрласин ва Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

Мазкур Дастурни тайёрлашда қуйидагилар кўзда тутилсин:

касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейларни ўқув-лаборатория ускуналари билан жиҳозлаш услубиёти ва амалиётини мажбурий тарзда қўллаш;

Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастурини ижро этиш муддатларида мактабларни замонавий компьютер техникаси билан жиҳозлаш, ихтисослаштирилган синфлар (физика, кимё, биология ва бошқа хоналар) ташкил этиш, бунда молиялаш манбалари, уларни таъмирлаш бўйича моддий база мавжудлиги, мактабларнинг тегишли мутахассис ва ўқитувчилар билан таъминланишини ҳисобга олиш.

13. Узлуксиз таълим тизими учун ўқув дастурлари, дарсликлар ва ўқув қўлланмаларини қайта кўриб чиқиш ҳамда янгиларини яратиш бўйича Ҳукумат комиссияси (А.А.Азизхўжаев) Матбуот ва ахборот агентлиги, Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда 2004 йил 1 сентябргача Умумтаълим мактаблари учун дарсликлар ва ўқув-услубий қўлланмаларни нашр этиш дастурини ишлаб чиқсин ва Вазирлар Маҳкамасига тасдиқлаш учун киритсин. Бунда давлат таълим стандартлари талабларига риоя этилишига алоҳида эътибор қаратилсин.

14. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги, Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги Халқ таълими вазирлиги билан биргаликда:

бир ой муддатда 2004 йил 1 сентябрдан бошлаб ўқитувчилар учун меҳнатга ҳақ тўлаш ва тариф ставкалари тизимини қайта кўриб чиқиш юзасидан Вазирлар Маҳкамасига таклифлар киритсин, уларда истеъдодли, ўз касбига содиқ, таълим ва тарбия жараёнига катта ҳисса қўшган ўқитувчилар, биринчи навбатда, бошланғич синфлар ўқитувчиларини рағбатлантиришнинг самарали механизмини яратиш кўзда тутилсин;

ўқитувчиларга ҳақ тўлаш тизимини тармоқ сеткасига ўтказиш масалалари оммавий ахборот воситаларида, махсус семинарлар, конференциялар ва кенгашларда кенг муҳокама этилишини ташкил қилсин ва 2004 йил 1 октябргача Вазирлар Маҳкамасига аниқ таклифлар киритсин.

15. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси икки ҳафта муддатда мазкур Фармон ижросини таъминлаш юзасидан Ҳукумат қарорини қабул қилсин.

16. Ушбу Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазири Ш.М.Мирзиёев зиммасига юклатилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 21 май.

АДЛИЯ ВАЗИРЛИГИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

Вазир миллий қонунчиликни бузиш ҳолларига мисол сифатида мазкур ваколатхоналар ходимларининг тегишли тартибда рўйхатдан ўтказилмаган айрим сиёсийлашган гуруҳлар, шу жумладан, "Бирлик" халқ ҳаракати партияси" аталмиш ва бошқа шу каби фаолияти амалдаги қонунчиликка хилоф бўлган ва Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий вазиятни издан чиқаришга қаратилган бошқа тузилмалар билан доимий алоқада бўлганлигини айтиб ўтди. Шундай гуруҳлардан бири "Эрк" демократик партияси" аталмиш тузилма бўлиб, унинг етакчиси Муҳаммад Солиҳ 1999 йил 16 февралда Тошкент шаҳрида террорчилик ҳаракатларини ташкил этганлиги учун судланган. Ўзбекистон Республикаси Олий суди қарорига мувофиқ бошқа шериклари қаторида М.Солиҳ ҳам 15 йил муддатга озодликдан маҳрум этишга ҳукм қилинган. Ҳозирги пайтда у Европа мамлакатларидан бирида яшириниб юрибди ва уни Интерпол қидирмоқда.

Матбуот анжуманида юқорида эслатилган ваколатхоналар фаолияти уларни рўйхатга олиш тўғрисидаги ҳужжатларда баён этилган вазифалар доирасидан чиққанлиги ва нохолислиги яққол сезилиб турганлигига доир фактлар келтирилди: улар томонидан айрим бузғунчи сиёсийлашган гуруҳлар — очиқ ғайри конституциявий позицияларига қарамай, қўллаб-қувватланган. Қонуний тартибда тузилган ва рўйхатдан ўтказилган партиялардан фарқли ўлароқ, уларга мустақил ҳамда "демократик" тузилмалар сифатида қаралган. Шу муносабат билан вазир, Конституцияга мувофиқ, у ёки бу партияга баҳо беришга доир суверен ҳуқуқ Ўзбекистон халқига тегишли эканини, халқ ушбу ҳуқуқини сайловлар жараёнида рўёбга чиқаришини эслатиб ўтди.

Вазир юқорида тилга олинган ваколатхоналардан айримлари томонидан мамлакатимиз қонунлари бузилишига йўл қўйилган ҳолатлар ҳақида тўхталди. Улар тарқатаётган адабиётлар ва видеокассеталарнинг муайян қисмида Ўзбекистондаги ижтимоий-сиёсий ва социал-иқтисодий вазият, мамлакатда кечаётган демократик жараёнлар нохолис ва бузиб кўрсатилганлигини таъкидлади.

Мазкур ташкилотлар миллий қонунчиликка амал қилишга, ўз мол-мулки ва пул маблағларини тасарруф этиш тўғрисидаги ахборот ошкоралигини таъминлашга, ўтказадиган тадбирларида нодавлат нотижорат ташкилотни рўйхатга олувчи органнинг иштирок этиши имкониятини яратиб беришга — "Нодавлат нотижорат ташкилотлар тўғрисида"ги Қонунда белгилаб қўйилган ушбу талабларга ҳам риоя қилмаган.

Ўзбекистон қонунчилигини бузиш билан боғлиқ худди шундай ва бошқа бир қатор ҳолатлардан келиб чиқиб, Адлия вазирлиги "Кўмак Жамғармаси Очиқ Жамият Институти" (Сорос жамғармаси) ваколатхонасини давлат рўйхатидан ўтказишни рад этди. Матбуот анжуманида адлия вазири бундай қарор қабул қилинишининг сабабларини изоҳлаб берди.

Чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналари ва филиалларини рўйхатга олиш ва улардан айримларининг Ўзбекистондаги фаолияти билан боғлиқ масалалардан ташқари, вазир Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги гўёки "Эрк", "Бирлик", "Озод деҳқонлар" сиёсий партиялари ва "Аграрлар ва тадбиркорлар партияси" ҳамда бошқа шу каби ташкилотларни рўйхатдан ўтказишни асоссиз равишда рад этаётгани тўғрисида айрим хорижий мамлакатлар оммавий ахборот воситаларида, баъзи ноҳукумат ташкилотларнинг баёнотлари ва маълумотларида мунтазам тарқатилаётган ахборотларни атрофлича шарҳлади.

Вазир таъкидлаганидек, бундай хабарларнинг барчаси ҳеч қандай асосга эга эмас. Зеро, тилга олинган гуруҳлардан ҳеч бири Адлия вазирлигига ўзини партия сифатида рўйхатдан ўтказиш учун қонунда белгиланган ҳужжатларни тўла тақдим этмаган. Хусусан, "Эрк" партиясидан Адлия вазирлигига рўйхатдан ўтиш учун ҳеч қандай таъсис ҳужжатлари тушмаган.

"Бирлик" халқ ҳаракати" аталмиш тузилмани рўйхатга олиш учун топширилган ҳужжатлар қонунчилик талабларига жавоб бермаганлиги туфайли Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан кўриб чиқилмаган. Ҳужжатларни ўрганиш чоғида сиёсий партияга бирлашиш истагини билдирган фуқароларнинг имзолари оммавий равишда қалбакилаштирилганлиги аниқланган.

Худди шу сабабли таъсис ва бошқа ҳужжатларнинг қонунга мувофиқ келмаганлиги учун "Озод деҳқонлар" партияси деб аталмиш тузилмани рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала ҳам кўриб чиқилмаган.

Вазир қайд этганидек, тилга олинган гуруҳларни рўйхатдан ўтказиш тўғрисидаги масала атрофидаги турли хил баёнотлар ва гап-сўзлар мутлақо асоссиз ва бузғунчиликдан иборат бўлиб, улардан кўзланган мақсад битта: Ўзбекистонда сиёсий партиялар тўғрисидаги қонун бузилмоқда, деган нотўғри тасаввур уйғотишдан иборат.

Чет эл ноҳукумат ташкилотлари ваколатхоналарини рўйхатга олиш ва улар фаолияти бўйича Адлия вазирлиги позициясини баён этар экан, вазир алоҳида таъкидладики, қонунларимизни, миллий урф-одатларимиз ва анъаналаримизни ҳурмат қиладиган, соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида кенг қамровли ва фойдали ишларни амалга ошираётган барча халқаро ва хорижий ноҳукумат ташкилотларга вазирлик ҳар томонлама ёрдам кўрсатган ва бундан кейин ҳам уларни қўллаб-қувватлайверади. "Чегара билмас шифокорлар" (Голландия), Конрад Аденауэр, Фридрих Эберт жамғармалари, Гёте Институтининг Тошкент филиали, Халқаро ҳамкорлик бўйича Америка агентлиги (ЮСАИД)нинг тадбиркорликни ривожлантириш, тиббиёт, таълим масалалари бўйича лойиҳаларини ҳаётга татбиқ этиш борасида фаолият юритаётган ташкилотлар, Россия саноатчилари ва тадбиркорлари иттифоқининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси, Россия тадбиркорлик маркази ва бошқалар шулар жумласидандир.

Пировардида вазир ҳозирги кунда мамлакатимизда давлат ҳокимияти вакиллик органларига 2004 йил декабрь ойида бўлиб ўтадиган сайловларга тайёргарлик ишлари олиб борилаётганини таъкидлади. Сайловлар тўғрисидаги қонунда барча партияларнинг сайлов кампаниясида иштирок этиши учун тенг имкониятларга эга бўладиган шароит яратадиган умум эътироф этган демократик меъёрлар акс этган. Сайловларга тайёргарлик доирасидаги барча ишлар Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва қонунларига тўла мувофиқ ҳолда амалга оширилади.

Адлия вазири журналистларнинг саволларига атрофлича жавоб қайтарди.

(ЎзА).

МУВОФИҚЛАШТИРУВЧИ КЕНГАШ МАЖЛИСИ

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасида Компьютерлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш бўйича Мувофиқлаштирувчи кенгашнинг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Уни Бош вазир ўринбосари, Мувофиқлаштирувчи кенгаш раиси А.Орипов бошқарди.

Мажлисда ахборотлаштириш соҳасида меъёрий ҳужжатлар лойиҳалари ва ҳукумат қарорларини ишлаб чиқиш, республикада ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш ҳамда жорий қилишга оид бошқа долзарб масалалар муҳокама этилди.

Ўзбекистон Республикасининг "Ахборотлаштириш тўғрисида", "Электрон рақамли имзо тўғрисида", "Электрон ҳужжат айланиши тўғрисида" ва "Электрон тижорат тўғрисида"ги янги қонунларини жорий этиш механизмларини такомиллаштиришга алоҳида эътибор қаратилди. Ушбу жараённи тезлаштириш учун тадбирлар режаси ва жамиятни ахборотлаштиришнинг устувор йўналишлари бўйича мунтазам фаолият кўрсатадиган олти ишчи гуруҳи таркиби тасдиқланди. Гуруҳлар раҳбарларига тегишли топшириқлар берилди.

Шунингдек, мажлисда жорий йилнинг май ойида Тошкентда бўлиб ўтадиган электрон ҳукумат масалалари бўйича халқаро конференцияга тайёргарликнинг бориши ҳам муҳокама қилинди.

Сирдарё вилоятида электрон ҳукуматни жорий этиш бўйича масъул иштирокчиларнинг тажриба лойиҳасининг амалга оширилишига доир ҳисоботи тингланди. Сирдарё вилоятида давлат ҳокимияти порталини шакллантириш ва электрон ҳужжат айланиши татбиқ этишга оид тадбирлар режаси тасдиқланди.

Мувофиқлаштирувчи кенгаш аъзолари соҳага оид ва умумсоҳа тусидаги қатор янги меъёрий ҳужжатларни маъқуллашди. Мажлисда кўрсатилаётган хизматлар сифатини яхшилаш ва корхоналар фаолияти самарадорлигини ошириш учун давлат ҳамда хўжалик бошқаруви жараёнига ахборот-коммуникация технологияларни янада кенгроқ жорий қилиш зарурлиги таъкидланди.

В. НИКОЛАЕВ,
ЎзА мухбири.

ОЛИЙ СУД ПЛЕНУМИ

Ўзбекистон Республикаси Олий судининг навбатдаги пленуми бўлиб ўтди.

Олий суд раиси Ф.Муҳитдинова бошқарган пленумда Юртбошимиз Ислом Каримов ташаббуси билан амалга оширилаётган суд-ҳуқуқ ислоҳотлари самараси ўлароқ, фуқаролар ҳуқуқ ва манфаатларини ишончли ҳимоя қилиш тизими мустаҳкамланаётгани таъкидланди.

2001 йил 29 августда қабул қилинган "Жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Жиноят, Жиноят-процессуал кодекслари ҳамда Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ҳақида"ги Қонуннинг қабул қилиниши бу борадаги муҳим қадамлардан бўлди. Зеро, ушбу Қонун асосида, айниқса, иқтисодий жиноятларга нисбатан муносабат тубдан ўзгарди. Пленумда айни шу соҳадаги жиноятларга қонунни қўллаш бўйича суд амалиёти тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.

Олий суд томонидан жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши ва унинг амалиётда тўғри қўлланилишига алоҳида эътибор қаратилаяпти. Номи таъкидланган Қонун амалга киритилгандан бери 8 миллиард сўмдан зиёд миқдордаги етказилган моддий зарарни қоплаган 4204 шахсга нисбатан озодликдан маҳрум қилиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинлашни кўзда тутувчи янги норма қўлланилди.

Шунингдек, йиғилишда фуқаролик ишларини апелляция тартибида кўриш бўйича суд амалиёти ҳақидаги масала ҳам муҳокама этилди. Апелляция институтининг жорий этилиши фуқаролик ишларини ўз вақтида ҳал қилишнинг ҳуқуқий кафолатини кучайтирди. Биринчи инстанцияда кўрилган ишлар бўйича суд хатоларини тезкорлик билан тузатиш имконияти кенгайди. Одил судловни амалга ошириш сифати ошди. Бу фуқаролар ҳамда юридик шахсларнинг бузилган ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш самарадорлигини ошираяпти.

Пленумда Конституциявий суд раиси М.Абдусаломов иштирок этди.

Н.АБДУРАИМОВА,
ЎзА мухбири.

ГЕРМАНИЯ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ТЕРМИЗДА

ТЕРМИЗ. (ЎзА мухбири Ч.ТЎХТАЕВ).

Германия федерал ички ишлар вазири Отто Шили Афғонистондан қайта туриб Термизда тўхтаб ўтди.

Меҳмон Ўзбекистон Республикаси ички ишлар вазири З.Алматов, ташқи ишлар вазирининг биринчи ўринбосари В.Норов ва Сурхондарё вилояти ҳокими Т.Қодиров билан учрашди. Мулоқот чоғида Афғонистондаги вазият ҳақида, халқаро террорчилик ва наркобизнесга қарши курашишда Ўзбекистон-Германия ҳамкорлигини янада кенгайтиришга, минтақада хавфсизлик ва барқарорликни мустаҳкамлашга доир масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Буклаш чизиғи — Қирқиш чизиғи — Буклаш чизиғи

рига бўйсунадилар ҳамда қизил ярим ой тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

11-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятлари фойдаланиши

Чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятлари, агар уларнинг вакиллари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси ҳудудида бўлса, қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг назорати остида фарқловчи тимсоллар сифатида фойдаланадилар.

Қуролли можаро юз берган тақдирда бетараф давлатларнинг ҳамда қуролли можарода иштирок этмаётган бошқа чет давлатларнинг Қизил Ярим ой ёки Қизил Хоч жамиятларининг тиббий тузилмалари, тиббий ходимлари, шунингдек санитария-транспорт воситалари инсонпарварлик ёрдами кўрсатиш учун Ўзбекистон Республикаси Мудофаа вазирлигининг рухсати билан ва Ўзбекистон Қизил Ярим ой жамиятининг назорати остида ҳарбий тиббий тузилмаларнинг ихтиёрига берилиши ҳамда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан ҳимояловчи тимсол сифатида фойдаланиши мумкин. Тиббий ходимлар бундай пайтларда уруш даври қонунларига бўйсунадилар ҳамда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсоли туширилган қўлбоғич тақиб юришлари ва ёнларида қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда бериладиган шахсий гувоҳнома бўлиши лозим.

12-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан Халқаро Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой ҳаракати ташкилотларининг фойдаланиши

Халқаро Қизил Хоч Қўмитаси ҳамда Қизил Хоч ва Қизил Ярим ой жамиятларининг Халқаро Федерацияси Ўзбекистон Республикаси ҳудудида ўз фаолиятини амалга ошираётганда қизил ярим ой ёки қизил хоч тимсолидан фойдаланадилар.

13-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тим-

шахсларни, шунингдек тиббий ходимларни ва тиббий мол-мулкни ташиш учун мўлжалланган ташиш воситалари;

тиббий тузилмалар — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларни қидириб топиш, ташиш, уларга ташхис қўйиш ёки уларни даволаш, шу жумладан уларга биринчи ёрдам кўрсатиш учун, шунингдек касалликларнинг олдини олиш учун ташкил этилган стационар, кўчма тиббий муассасалар (бўлинмалар) ҳамда бошқа фуқаро ва ҳарбий тиббий тузилмалар;

тиббий ходимлар — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган шахсларни қидириб топиш, ташиш, уларга ташхис қўйиш ёки уларни даволаш, шу жумладан уларга биринчи ёрдам кўрсатиш, касалликларнинг олдини олиш учун, шунингдек тиббий тузилмаларни хўжалик, моддий-техника ва бошқа жиҳатдан таъминлаш учун доимий ёки вақтинчалик асосда тайинланган шахслар;

фарқловчи сигналлар — тиббий тузилмалар ва санитария-транспорт воситаларини таниб олиш учун фойдаланиладиган радиосигнал, ёруғлик сигнали, электрон танув белгиси ёки бошқа сигнал.

4-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари

Оқ фонда ифодаланган, биринчи ёки тўртинчи чораги ҳолатидаги қизил рангли ярим ойнинг халқаро нормаларда эътироф этилган тасвири қизил ярим ой тимсоли ҳисобланади.

Оқ фонда ифодаланган, тўрттала томони тенг узунликка эга бўлган қизил рангли ҳочнинг халқаро нормаларда эътироф этилган тасвири қизил хоч тимсоли ҳисобланади.

5-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланишнинг асосий принциплари

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фақат инсонпарварлик мақсадларида фойдаланилади.

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари улардан фойдаланишда бир хил аҳамиятга эга.

Ўзбекистон Республикасининг
ҚОНУНИ

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисида

1-модда. Ушбу Қонуннинг мақсади

Ушбу Қонуннинг мақсади қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, шунингдек "Қизил Ярим ой" ва "Қизил Хоч" номларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги муносабатларни тартибга солишдан иборат.

2-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатлари ушбу Қонун ва бошқа қонун ҳужжатларидан иборатдир.

Агар Ўзбекистон Республикасининг халқаро шартномасида Ўзбекистон Республикасининг қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларида назарда тутилганидан бошқача қоидалар белгиланган бўлса, халқаро шартнома қоидалари қўлланилади.

3-модда. Асосий тушунчалар

Ушбу Қонунда қуйидаги асосий тушунчалар қўлланилади:

санитария-транспорт воситалари — ярадор бўлган, касалланган ва кема ҳалокатига учраган

Буклаш чизиғи

солларини ҳимоя қилиш

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсоллари давлат томонидан ҳимоя қилинади.

Қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда фойдаланиладиган фарқловчи сигналлар ҳамда "Қизил Ярим ой" ва "Қизил Хоч" номлари ҳам давлат ҳимояси остида бўлади.

14-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, "Қизил Ярим ой" ва "Қизил Хоч" номларидан қонунга хилоф равишда фойдаланиш

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан, фарқловчи сигналлардан, "Қизил Ярим ой" ва "Қизил Хоч" номларидан ёки уларга ўхшатиб қилинган бошқа белгилар ҳамда номлардан тижорат фаолиятида фойдаланишга, шунингдек қуролли можаролар даврида улардан хиёнаткорлик билан фойдаланишга йўл қўйилмайди.

15-модда. Низоларни ҳал этиш

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш соҳасидаги низолар қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда ҳал этилади.

16-модда. Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганлик учун жавобгарлик

Қизил ярим ой ва қизил хоч тимсолларидан фойдаланиш ҳамда уларни ҳимоя қилиш тўғрисидаги қонун ҳужжатларини бузганликда айбдор шахслар белгиланган тартибда жавобгар бўладилар.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри,
2004 йил 29 апрель.

Дўстмисан ёки ... душман?

Аҳмад Чалабий АҚШнинг Ироқдаги энг ишончли иттифоқчиларидан бири эди. Эндиликда Ироқ Муваққат бошқарув кенгашининг аъзоси америкаликлар бошчилик қилаётган коалиция билан ҳар қандай алоқаларни тўхташини билдирди. Бунга икки кун аввал ироқлик ва америкалик аскарларнинг Чалабий уйида тинтув ўтказиб, у ердан компьютер ва турли ҳужжатларни олиб чиқиб кетгани сабаб бўлди.

Мен Американинг Ироқдаги энг яқин дўстиман, деди у. Лекин коалицион ҳукумат менинг уйимга ҳужум уюштиришни лозим топган бўлса, бундай ҳукуматнинг Ироқ халқи билан муносабати қандай бўлишини ўзингиз тушуниб олаверинг.

Бундан ташқари, Чалабий тунда аскарлар ҳамда полициячилар унинг уйига ойналарни синдириб бостириб киргани ва хонасида тинтув ўтказганини таъкидлади. Шунингдек, Чалабий АҚШ президенти Жорж Бушга Саддам Ҳусайн ҳукуматини ағдаришда ва мамлакат халқини унинг зулмидан озод қилишда фаол ҳаракат қилгани учун миннатдорчилик билдирди.

Кейинчалик маълум бўлишича, Чалабийга нисбатан уюштирилган амалиёт ироқлик раҳбарлар бошчилигида ва улар берган ордер асосида амалга оширилган экан.

Буни коалицион ҳукумат аъзоси Ден Сенор ҳам тасдиқлади.

Американинг Ироқдаги маъмурияти раҳбари Пол Бремер ҳам бундан хабари йўқлигини айтди. Унга бу ҳақда амалиётдан сўнг ахборот берилган.

Ироқ Вақтинча бошқарув кенгашининг собиқ раҳбари, кейинчалик Ироқ миллий конгрессига бошчилик қилган Аҳмад Чалабий АҚШни Саддам Ҳусайн ҳукуматига қарши курашда қўллаб-қувватлаган эди. Яқинда у конгресс тарқатилиб, унинг ўрнига янги ташкилот тузилишини маълум қилди. Унга мамлакатдаги таниқли сиёсатдонлар ва сиёсий ҳаракатлар аъзо бўлади.

Кузатувчиларнинг фикрича, АҚШ Чалабийнинг Ироқда олиб борилаётган демократик жараёнларни жадаллаштиришда ёрдам беришига ишонган. Аммо кейинги пайтларда Америка қўмондонлиги Чалабий мамлакатни тиклашга эмас, балки тезроқ ҳукумат тепасига келишга ҳаракат қилаётганини тушуниб етди. Буни разведка маълумотлари ҳам тасдиқлади. Унинг уйида ўтказилган тинтув ҳам шунинг учун ўтказилган бўлиши мумкин.

Бу амалиётлар Аҳмад Чалабий ҳаётидаги биттагина нохушлик эмас. У 1991 йили Иордания суди томонидан йирик молиявий товламачиликда айбланиб, 22 йил қамоқ жазосига ҳукм қилинган эди. Чалабий 1989 йили Иорданиянинг «Petra Bank»ига раислик қилган пайтда, ўзининг Швейцария банкларидаги ҳисоб рақамига 280 миллион доллар маблағни ноқонуний ўтказган.

Ҳозирча Аҳмад Чалабий уйида ўтказилган амалиётлар тафсилоти ҳақида хабарлар йўқ.

Салим ДОНИЁРОВ.



ОЛАМ НАФАСИ

Янгиликлар, воқеалар, далиллар

ДХҚ сирлари очилади

Латвия парламенти собиқ СССР Давлат Хавфсизлик қўмитасининг мазкур мамлакат архивларида сақланиб қолган 1991 йилгача бўлган ҳужжатларини ошкор этиш тўғрисида қарор қабул қилди. Бу дегани, совет махсус хизматининг кўп йиллик махфий ҳужжатлари оммага маълум этилади.

Сейм аъзоларидан баъзиларининг фикрича, ушбу қарор айрим одамларнинг эски жароҳатларини янгиласа, айримларнинг ҳаётига, мавқеига салбий таъсир кўрсатади. Чунки Латвия қонунларига биноан, ДХҚ билан ҳамкорлик қилган ҳар қандай шахс 10 йилгача давлат хизматида ишлаши мумкин эмас. Масалан, социал-демократ депутатлар Юрис Боярс ва Янис Адамсон бир вақтлар ДХҚ билан ҳамкорлик қилгани учун ўз депутатлик мандатларини

топширишган.

Аслида 1994 йилдаёқ латвияликлар ДХҚ архивлари билан танишиш имкониятига эга бўлишганди. Лекин улар фақат ўзи ҳақидаги маълумотлар билан таниша оларди, холос.

Латвия Сейми аъзоси, "Ватан ва озодлик" партияси вакили Морис Гриблатснинг таъкидлашича, архивлардаги ҳужжатларнинг ошкор этилиши сир сақланганидан кўра кўпроқ фойда келтиради. Одамлар кимнинг ким эканлигини билиб қўйиши керак.

Тоталитаризм оқибатлари ҳужжатларини ўрганиш маркази раҳбари Индулис Залитенинг фикри эса бошқача. Унинг қайд этишича, архивлардаги ҳужжатлар тўлиқ эмас. Уларда майда жосусларнинг исми ва фамилиялари келтирилган, холос. Катта "кит"лар ҳақидаги ҳужжатлар эса Москвага олиб кетилган. Шунинг учун кўпгина оддий одамлар емаган сомсага пул тўлаб қолиши мумкин.

Нима бўлганда ҳам Сейм ҳужжатни қабул қилди. Парламент аъзоларининг 78 нафари қарор қабул қилиниши учун овоз беришди. 11 депутат эса қарши чиқди. Энди ушбу ҳужжатни мамлакат президенти имзолаши керак.

Россия ЖСТга аъзо бўлмоқчи

Россия Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб кириш борасида Европа Иттифоқи билан ўтказилаётган музокараларни якунлаш тўғрисидаги протоколни имзолаш арафасида турибди. Аммо савдо масалалари билан шуғулланувчи еврокомиссар Паскал Ламининг сўзларига қараганда, ҳали муҳим масалада икки томон бир қарорга келганларича йўқ. Шу ҳафта давомида мувофиқлаштирувчи ҳужжат Россия иқтисодиётини ривожлантириш ва савдо вазири Герман Греф ҳамда Паскал Лами томонидан имзоланиши кутилмоқда.

Ўтган ҳафтада Парижда ўтказилган икки томонлама музокаралар давомида еврокомиссар Лами муҳим масалаларни ҳал қилиш борасида олдинга силжиш кузатилганини таъкидлади. Бу асосан Европа компанияларининг Россия бозорларига кириш имконияти туғилганида кўринади.

Айни пайтда Россия вазири ҳам ЕИ билан ўзаро келишувга эришилаётганини алоҳида эътироф этди.

Шундай бўлишига қарамасдан РФ ташкилотга 2005 йил охири, 2006 йил бошларида аъзо бўлиб кириши тахмин қилинмоқда. Бунинг учун Россия, энг аввало, қонун ва қонуности ҳужжатларини ЖСТ талабларига мослаштириши зарур.

Шу ўринда бир савол туғилади: нега Россиянинг аъзо бўлиб кириши узоқ йилларга чўзилмоқда?

Аслида ушбу ташкилотга аъзо бўлиб кириш узоқ жараён ҳисобланиб, кўпроқ муддатни талаб этади. Болгария ўн йилда, Хитой ўн беш йилда бу ҳуқуқни қўлга киритди. Бунинг учун аъзоликка даъвогар давлат биринчи ўринда бозор муносабатларини тартибга солиши лозим бўлади. Россия 1993 йилдан бери ЖСТ билан музокаралар олиб бормоқда.

Бугунги кунгача ташкилотга 147 давлат аъзо бўлиб кирган. Ҳар бир аъзо давлатларга ўз манфаатларини ҳимоя қилиш, қоидани бузган давлатга нисбатан савдо санкцияси қўллаш ҳуқуқи берилган.

Юнус БЎРОНОВ.

Буюк Ипак йўли бўйлаб саёҳат

Брюссель яқинидаги Бран-ле-Шато шаҳарчасида "Ипак йўли бўйлаб" мавзусида кўргазма очилди.

Кўргазма ташкилотчиси — "Синдикат инициатив" сайёҳлик ташкилотидир. Экспозицияда Ўзбекистон, Хитой, Эрон ва Туркия халқлари маданияти ва урф-одатларидан ҳикоя қилувчи турли буюмлар, фотография ва санъат асарлари намойиш этилмоқда.

Ўзбекистонга бағишланган бўлимда ихлосмандлар эътиборига европалик моҳир фотосуратчиларнинг мамлакатимиз шаҳарларига ташриф чоғида яратилган лавҳалари ҳавола қилинаяпти. Шунингдек, кўргазмада халқ амалий санъати асарлари, хусусан, сопол буюмлар, сўзана, гўзаллиги ва яратилиш услуби билан кишини ҳайратга солувчи миниатюра рассомчилиги намуналари, сандиқчалар, китоб мутолааси учун лавҳалар, аёллар ва эркакларнинг зардўзи дўппилари ҳамда турли кўринишдаги ҳайкалчаларга кенг ўрин берилган.

Кўргазманинг очилиш маросимида Бран-ле-Шато шаҳарчаси бургомистри Фернанд Лепоивр ва Ўзбекистоннинг Бельгиядаги элчиси Алишер Шайхов сўзга чиқиб, ушбу тадбир халқларимиз ўртасидаги маданий мулоқотнинг ривожланишига хизмат қилажагига умид билдирдилар.

Ж. МУТАЛОВ,
"Жаҳон" АА,
Брюссель.

Венада кўргазма

Ўтган йилнинг кузида австриялик тўрт рассом юртимизнинг турли шаҳарларига ташриф буюриб, ўзбек мусаввирлари билан ҳамкорликда кўплаб асарлар яратишганди. Кейин Ўзбекистон Бадиий академиясининг кўргазмалар залида бу асарларнинг кўргазмаси бўлиб ўтганди.

Яқинда шундай кўргазма Австрия пойтахти Венада ҳам ташкил этилди. У "Ягона ҳудуд: Вена-Тошкент-Вена" деб номланди. Австриянинг нозик дидли санъат ихлосмандлари мусаввирлар А. Аликулов, И. Шин, В. Енин, М. Содиқов ва В. Трошиналарнинг Ўзбекистонимиз табиатининг гўзаллигини, шаҳарларимиз тароватини тараннум этувчи асарларини зўр иштиёқ билан томоша қилдилар.

Бундай тадбирлар мамлакатимиз аҳолисини дунё маданиятига яқинлаштиришда, халқимиз урф-одатларини жаҳонга ёйишда катта аҳамиятга эга.

Кичик Кличко рингга ошиқаяпти

Владимир Кличко Германиядан ташқари барча мамлакатларда хоҳлаган пайтида рингга чиқиши мумкин. Бу ҳақда боксчининг ўзи "Эхо Москвы" радиосига берган интервьюсида таъкидлади.

Маълумки, немис профессионал боксчилар иттифоқи унга жорий йилнинг 10 октябригача рингга чиқишни тақиқлаган. Федерация президенти Бодо Экманн бу қарорни қуйидагича изоҳлайди: "Боксчи қасос олиш илинжида шошилиб рингга чиқиб, ўзига жароҳат етказиб қўймаслиги учун шундай қарорга келинди". Аслида ҳам кичик Кличко WBO йўналиши бўйича жаҳон чемпионлиги учун ўтказилган ўйинда Лэймон Брюстердан мағлубиятга учрагач, рақибини яқин вақт ичида «реванш-матч» ўтказишга чақирган эди.

Боксчининг фикрича, тақиқ унинг соғлиги билан боғлиқ эмас. Немис профессионал боксчилар иттифоқи шу йилнинг 30 апрель куни тугаган шартнома муддатини 2005 йилгача узайтиришни истаяпти, холос. "Соғлиғим аъло даражада. Мен жуда кўп зарбалар ўтказиб юборган ўша жангдан сўнг кўплаб врачлар соғлиғимни текшириб кўришди. Уларнинг ҳаммаси соппа-соғ эканлигимни таъкидлашди," — деди у.

Бэкхемнинг Ватанига қайтиш нияти йўқ

Сўнгги пайтларда Англия терма жамоаси сардори, ҳозир Испаниянинг «Реал»ида тўп сураётган машҳур футболчи Дэвид Бекхемнинг Лондоннинг «Челси» жамоасига ўтади, деган гаплар кўпаймоқда. Ҳатто Англияда чоп этиладиган баъзи газеталарда бу борада музокаралар олиб борилаётгани ва келишув пули ҳам аниқланганги ҳақида хабарлар пайдо бўлди.

Шу муносабат билан Бэкхем матбуот ходимлари олдида чиқиш қилиб, ҳали ўз юртига қайтиш режаси йўқлигини билдирди. Шунингдек, у турмуш ўртоғи Виктория ва икки ўғли билан яқинда Испанияда сотиб олган уйига кўчмоқчи эканини маълум қилди.

— «Реал» билан боғлиқ узоқ вақтга мўлжалланган режаларим бор, — деди у. — Бу жамоада атиги бир мавсум ўйнадим, лекин ҳали бу ерда ишларим тугагани йўқ. Бунинг устига ишқибозлар мени жуда қўллаб-қувватлашмоқда. Уларнинг ишончини оқлашга бор кучимни сарфлайман.

Бэкхемнинг таъкидлашича, унинг оиласи ҳам мазкур қарорни маъқулламоқда.

Бўлажак бош вазир ваъдалари

Соня Ганди Ҳиндистон Бош вазирликка номзодликдан воз кечгандан сўнг, унинг ўрнини молия вазири Манмохан Синх эгаллашга розилик берди. Бўлажак бош вазир ўзи бошчилик қиладиган ҳукумат мамлакатдаги қашшоқликка қарши курашишга ва иқтисодий ислоҳотларни давом эттиришга катта эътибор қаратишини маълум қилди. Шунингдек, у хусусий компанияларни ҳам худди давлатники каби қўллаб-қувватламоқчи.

Бундан ташқари, у мамлакатдаги нефть ва газ конларини хусусийлаштиришга ҳам йўл қўймаслигини таъкидлади.

Рафаэлнинг номаълум асари топилди

Рафаэлнинг Уйғониш даврида яратган номаълум асари Лондондаги уйларнинг биридан топилди. «Бола боши» деб номланган бу хомаки сурат италиялик бир рассомнинг расмлари орасида қолиб кетган экан. Эндиликда у 8 июлда бўлиб ўтадиган кимошди савдосига қўйилади.

Гумондорлар қидирилмоқда

Испания полицияси 191 кишининг ҳаётига зомин бўлган 11 мартдаги Мадрид воқеаларига алоқадорликда гумон қилинаётган шахслар қидирилаётганини билдирди. Полиция маҳкамаси матбуот котибининг маълум қилишича, поезд вокзалида портлатгич модда жойлаштирилган пакетда Ухнан Давуд исмли шахснинг бармоқ излари қолган.



Айни пайтгача 19 киши мазкур террорчиликда шубҳаланиб қўлга олинган.

Қувур ўғирлаб кетилди

Чеченистон пойтахти Грозний шаҳрининг аҳоли зич яшайдиган Старопромисловский ҳудуди ичимлик сувисиз қолди. Бунга ҳудудни ичимлик суви билан таъминлайдиган қувурнинг ўғирлаб кетилганлиги сабаб бўлди.

"Грозводоканал" бош инженери Анди Алихўжаевнинг айтишича, ҳали шахси аниқланмаган жиноятчилар 12 метрлик қувурни хуфиёна кесиб кетишган.

Кукун сочганликда айбланмоқда

Буюк Британия полицияси икки эркакни мамлакат Бош вазирига кукун сочганликда айбламоқда. Патрик Дэвис ва Гай Харрисон кейинги ҳафтада Лондон шаҳар судига келтирилади.

Воқеадан сўнг Тони Блэр ва депутатлар вақтинчалик Жамоалар палатаси мажлислар залидан эвакуация қилинди. Натижада мажлис бир соатга кечиктирилди.

Чиқиб кетишини сўрамоқда

Польша ҳукумати яманлик талабадан кейинги ҳафтагача мамлакатни тарк этишни талаб қилмоқда. Ҳукумат уни миллий хавфсизликка таҳдид туғдираётганликда айбламоқда.

13 йил давомида Польшада яшаб келаётган Аҳмад Аммар террорчилик гуруҳлари билан алоқадор бўлиши мумкин, деб тахмин қилинмоқда.

Жангарилар йўқ қилинди

«Ал-Арабия» телеканалининг хабар беришича, Саудия Арабистонидаги Бурайда шаҳрида тўрт жангари йўқ қилинди. Манбада айтилишича, отишмалар чоғида бир нафар полиция ходими ҳам қурбон бўлган.

Ҳозирча мамлакат ички ишлар вазирлиги бу хабарга муносабат билдирмади.

McDonald's ёнида портлаш

Пайшанба куни Истамбулдаги McDonald's кафеси ёнидаги машиналар қўйишга мўлжалланган майдонда портлаш рўй берди. Маҳаллий телевидение тарқатган хабарларга қараганда, ҳеч ким жароҳатланмаган. Полиция воқеа сабабларини ўрганишга киришди.

Грузиянинг янги рамзлари

Грузия парламенти давлатнинг янги герби ва мадҳиясини тасдиқлади. Грузиялик шоир Давид Маградзе қаламига мансуб мадҳия сўзига Давид Кечакмадзе куй басталади.

Янги мадҳия илк бор 26 майда нишонланадиган Грузия мустақиллик байрамида ижро этилади.

Тошкент Ахборот технологиялари университети тасарруфидаги

ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯЛАР ЛИЦЕЙ-ИНТЕРНАТИ

2004-2005 ўқув йилига ўқувчилар қабул қилади.

1. Келажакда радио, телевидение, электрон станциялар, телефакс, ЭҲМ тармоқлар, радиотелефон тармоқлари бўйича етук мутахассис бўлишни...
2. Интернет, электрон почтадан фойдаланиб, электрон кутубхона фонди билан боғланиб билимларингизни чуқурлаштиришни истасангиз.
3. Чуқурлаштирилган дастурлар асосида математика, физика, информатика фанларидан билим олишни...
4. Малакали мутахассисларнинг раҳбарлигида замонавий таълим ва технологиялар воситасида таълим олишни...
5. Исталган техник ўқув юртларига киришни...
6. Республикамизнинг равнақи учун ва XXI асрда ривожланган давлатлар орасига кириши учун хизмат қилишни

истасанг, бизнинг лицейга марҳамат қилинг!

Лицейга Республикамиз мактабларининг 9-синфини битирган истеъдодли ўқувчилар танлов асосида қабул қилинади. Вилоятлардан қабул қилинган ўқувчилар ётоқхона ва 3 маҳал иссиқ бепул овқат билан таъминланадилар.

Танлов 1 августдан 10 августгача ўтказилади!

Мурожаат учун керакли ҳужжатлар:
- лицей раҳбари номига ариза;
- 9-синфни тугатганлиги ҳақида гувоҳнома (асл нусхаси);
- (086) шаклдаги тиббий маълумотнома;
- 6 дона 3/4 см. ўлчамли фотосурат;
- туғилганлиги ҳақидаги гувоҳнома (нусхаси);
- яшаш жойидан маълумотнома;
- ташхис марказининг тавсияномаси.

Р. S. Ҳужжатлар шахсан тақдим этилади ва 10 июндан 31 июлгача қабул қилинади.

Манзилимиз: Тошкент ш., Ж.Обидова к., 7-а уй, ТАТУ ҳудудида.

Телефонлар: 135-03-69, 135-18-82, 135-08-85, код 372.

ЎЗБЕКСКИСТОН - КИПР ҚЎШМА КОРХОНАСИ

MEKSKORT INDUSTRIES

Тошкентда ишлаб чиқариб ва омборхонасидан чакана ва улгуржи нархларда

ЭЖК A2DII русумли оқ тунукадан, олий сифатли

«БЕКАЖОН»,

шиша банкаларни консервалаш учун

ҚОПҚОҚЛАРНИ сотади.

Оддий ва литографияли, икки маротаба лак қопламали.

Тўлов шакли — турли усулда.

Қопқоқларнинг сақланиш муддати — 2 йил.

Тел.: 136-00-33, факс: 136-12-21.

Тошкент шаҳар, Миробод тумани, Мовароуннаҳр кўчаси, 19-уй.

Товар сертификатлаштирилган

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ АҲОЛИСИ ВА МЕҲМОНЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонунига мувофиқ, Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги, **Электромагнит мослашув маркази огоҳлантиради.**

Республика ҳудудига рухсатномасиз ва сертификатсиз олиб кирилган ҳамда сотувда бўлган ва ишлатилаётган ***радиоэлектрон алоқа воситалари (узоқ масофали радиоузайтиргичлар, симсиз радиотелефонлар, портатив радиостанциялар ва бошқа радиоузатгич воситалари)*** белгиланган тартибда мусодара қилинади ва олиб кириши амалга оширган шахсларга нисбатан маъмурий жавобгарлик чоралари кўрилади.

Радиоэлектрон алоқа воситаларини республика ҳудудига олиб кириш учун рухсатнома олишни ва белгиланган тартибда руйхатдан ўтказишни расмийлаштириш масалалари бўйича Электромагнит мослашув маркази ва унинг вилоят бўлинмаларига мурожаат қилишингиз мумкин.

Бизнинг манзил:
Тошкент ш. —115, Чилонзор тумани, Қирққиз к., 10-уй (Катта Қозирабод маҳалласида). Телефон: 115-22-56.
Андижон ш., Чўлпон к., 5-уй, 49-хонадон. Телефон: 5-66-50.
Бухоро ш., Акад. И.Мўминов к., 2-уй. Телефон: 23-95-58.
Жиззах ш., «Иттифоқ» микрорайони, 3/1, 23-уй, 35-хона. Телефон: 6-53-63.
Нукус ш., Ёрназар Алакўз к., ШАТС биноси. Телефон: 24-05-23.
Қарши ш., I-микрорайон, 43-уй, 62-хонадон. Телефон: 5-22-36.
Навоий ш., Х.Дўстлиги к., 77-а уй. Телефон: 3-91-10.
Наманган ш., Марғилон к., 8-а, корпус 2, 54-хонадон. Телефон: 6-20-30.
Самарқанд ш., Сельский, Колбог п/б, СТРК. Телефон: 31-22-62.
Термиз ш., 5-микрорайон, 1-уй, 16-хонадон. Телефон: 5-04-16.
Гулистон ш., Х.Дўстлиги к., 30-уй. Телефон: 25-44-56.
Фарғона ш., Навоий к., 37-уй, 36-хонадон. Телефон: 26-49-53.
Урганч ш., Анна Герман к., 9-уй, 84-хонадон. Телефон: 4-07-45.

Инсон ёди азиз

Ўтган асрнинг 70-йиллари охири, 80-йиллари бошларида "Тошкент оқшоми"да босиладиган "Оз-оз ўрганиб доно бўлур" туркуми катта-ю кичикни баравар ром қилганди. Ҳаммага маълум саҳифанинг бир "устун"ини эгаллайдиган дурдона сатрлар остида мудом "Тўпловчи Ш.Зуннун" деган имзо турарди. Бу одам асрбоши жадид зиёлиларимиздан тошкентлик шарқшунос олим Шорасул Зуннун бўлиб, "Шамсул урфон" мактабида ўзбек тили ва адабиётидан дарс берган. Ойбек, Миркарим Осим, Субутой Долимов, Олтой ва бошқа адабиёт намояндаларининг илк устози, ҳатто улар тахаллусларининг дояси бўлган Шорасул домла эди. Доскага ўзбек тили дарсида грамматик таҳлил учун "Ўзбекка шапка ярашмас" жумласини ёзганлигига Сталин қатағонига учраб, онгли, фаол ҳаётининг 20 йилини совет турма ва лагерларида ўтказган собиқ сиёсий маҳбус ҳам эди...

Тўқсон ёшли Зуннуновлар...

Хонаки чопон, ковушмаҳси, носранг дўппи кийиб олган бу чувак чол "Навоий 30" бекатида трамвайдан тушиб, йўлнинг бериги томонига ўтиб олишга анча қийналар, таниганлар қўлтиқлаб ўтказиб қўйишар эди. Ўшанда тўқсоннинг тепасида бўлган олим "Оз-оз ўрганиб доно бўлур", "Донишмандлар тарбия хусусида", "Донолар бисотидан" китобларини нашр эттириб, ўз ўқувчилари эътиборини қозонган эди. Бирор марта қатағон азобларидан оғиз очмаган, дардиҳол қилмаган. Ўз даврида Тошкенти азимнинг машҳур бойларидан Зуннунхўжа бойваччанинг тўнғич ўғли Шорасул Зуннун 100 ёшнинг нариберисида икки асрнинг тузини ичиб, боқий дунёга рихлат этди.

Фалакнинг гардиши билан Шорасул бобонинг иниси Асқар Зуннун билан ҳам илмий-ижодий мулоқот қилиш менга насиб этди. "Педнаук"нинг номдор "казо"ларидан бўлган бу бўйчан, қилич қоматли, гапни ўлчаб, териб гапирадиган педагог-олим ўз соҳаси бўйича мавқеи баланд мутахассис ҳисобланар, кимки адабиёт фани ва уни ўқитиш методикасидан дарслик, қўлланма, рисола ёзадиган ёки илмий иш ҳимоя қилмоқчи бўлса, усиз муродига етиши амри маҳол эди. Акаси оламдан ўтгач, Асқар ака унинг илмий-ижодий меросига эгалик қилиб, чала қолган ишларини давом эттирди. Хусусан, "Мумтоз адабиётда тасаввуф" мавзуидаги рисоласини чоп эттириш учун кўп елиб-югурди. Ҳамкорликда дарслигу китоблар чоп эттириб юрганимизда 30-йиллар аввалида отаси Зуннунхўжа қулоқ қилингани, сўнг акаси Шорасул Зуннун қамоққа олингани, муштипар онасининг қистови билан жигарларини излаб Сибирга борганлари ҳақида тасаввур қилган эдим.

70 йил сурункали мактаб-маориф билан бирга бўлиб келган Асқар Зуннунов таълим-тарбия ўчоғининг ўтидан кириб, кулидан чиқди. Ўрта мактабларда адабиёт муаллими, директор, илмий-тадқиқот институтининг оддий ходимлигидан директори даражасигача кўтарилди. 60-80-йилларда республикамиз барча вилоятларида, туманларида тадқиқотлар олиб бориб, адабиёт хоналари ташкил этди. Уни ўқитиш услубиёти, дарсларни кўргазмали қуроллар билан таъминлашни йўлга қўйди. Мустақиллик йилларига келиб, Халқ педагогикаси масалалари билан жиддий шуғулланди.

У педагогик фаолияти давомида 150 дан ортиқ долзарб муаммоларга бағишланган илмий-педагогик мақолалар ёзди. 50 дан ортиқ дарслик, қўлланма, дастур ва рисола яратди. Буюк файласуф Афлотунинг: "Мен фидокорона қилган меҳнат роҳатидан афзалроқ ҳеч нарса кўрмадим. Вужудимнинг соғлиғини, жонимнинг саломатлигини меҳнатдан топдим" деган машҳур гапини унинг ҳаётига татбиқ қилиш мумкин. Бугун — 90 ёшида "Ўзбекистонда хизмат кўрсатган ўқитувчи" фахрий унвони, "Шуҳрат" медали, "Эл-юрт ҳурмати" ордени совриндори ҳалиҳамон таълим-тарбия илмининг олдинги сафида бораётган етакчи мутахассис, Педагогика фанлари илмий-тадқиқот институтининг катта илмий ходими.

...У "халқ душмани"нинг ўғли, иниси совет ҳокимиятининг алоҳида қора рўйхатида турар, шунинг учун илм йўлидаги ривожи ҳам осон кечмаган эди. Айниқса, докторлик диссертацияси бир неча бор ҳимоя қилинганига қарамай, муаллиф учун ўз ижобий натижасини бермади. 70-йиллар охирида илмий ишини учинчи бор ҳимоя қилган педагоголим бу гал ҳам ОАКдан рад жавоби олиб, эксперт комиссиясига таклиф этилди. Иродаси мустаҳкам Асқар Зуннунов "бошга тушганни кўз кўрар" дея Москвага равона бўлади. Казо-казо олимлар олдига катта чемоданга тўла китобларини олиб, комиссия столи устига тахлаб қўяди. 30 га яқин мактаб дарсликлари, ўқитувчилар учун методик қўлланмалар, дастур ва рисолалар... Улар барчаси ўзбек тилида битилган бўлса-да, ортида – китоб паспортида мазкур нашр ҳақида рус тилида қисқа маълумот берилган. Хуллас, ўзбек олимига бир овоздан педагогика фанлари доктори илмий даражаси берилади...

Яқинда Ашурмат Аҳмедов деган марҳум педагог-олимнинг хотирасига бағишлаб ёзилаётган китоб муносабати билан Асқар аканинг кичик давраси жам бўлди. Ўшанда кекса муаллимнинг кўп йиллик шогирди, дўсти Наримон Ҳотамов бир гапни айтди: "Асқар ака, бутун оиласи, авлод аждоди билан совет ҳокимиятидан қаттиқ жабр кўрди. Бир умр тазйиқ ва таъқиб остида яшади. Фақат отасию акаларига ўхшаб советнинг турмасида ётиб чиқмади, холос. Шундай шароитда ҳам яратган асарлари, халқимизнинг бевосита таълим-тарбияси йўлида қилган ишлари-ю, фидойи ҳаёти манаман деган бир неча олимнинг меҳнат фаолиятига тенг келади..."

Асқар Зуннун ҳақида уни яқиндан таниган кайвони зиёличалик топиб айтиш қийин. Ғайрат-шижоати, тафаккур тиниқлигига қарагандa, 90 ёшли Зуннунов ҳали кўп йиллар бевосита таълим-тарбия иши билан шуғулланишига ишонасиз...

Маҳмуд САТТОРОВ.

КИТОБХОНЛАР АНЖУМАНИ

Бувайда туманида китобхонлар анжумани ўтказилди. Республика Матбуот ва ахборот агентлиги тизимидаги нашриётлар раҳбарлари, оммавий ахборот воситалари ходимлари иштирок этган ушбу тадбирда туман меҳнат аҳли билан учрашувлар, давра суҳбатлари ташкил этилди.

— Тадбирни ўтказишдан мақсад сўнгги йилларда нашриётлар томонидан чоп этилган янги китоблар билан ўқувчиларни таништириш, фикр-мулоҳазаларини билиш, энг асосийси, улар билан юзма-юз ҳамсуҳбат бўлиш эди, — дейди "Ижод дунёси" нашриёт уйи директори Жаббор Раззоқов.

Дарҳақиқат, тумандаги ўқув юртлари, маҳаллаларда ўтказилган учрашувларда ноширлар кам таъминланган оилалар, меҳрибонлик уйи тарбияланувчиларига бир неча миллион сўмлик дарслик, бадиий китоблар ва ўқув қуроллари тортиқ этишди. Шунингдек, вилоят туманларидаги 19 та марказий кутубхона "Ўзбекистон", "Меҳнат", "Ўқитувчи", "Шарқ", "Маънавият" ва бир қатор нашриётлар томонидан чоп этилган янги адабиётлар билан бойиди.

Шоира БОЙМУРОДОВА,
"Халқ сўзи" мухбири.

І-РЕСПУБЛИКА ТИББИЁТ КОЛЛЕЖИ

маълумоти
2003-2004 ўқув йилида

«ҲАМШИРАЛИК ИШИ»,
«АКУШЕРЛИК ИШИ»,
«СТОМАТОЛОГИЯ ИШИ»

ихтисосликлари бўйича битирувчи мутахассисларни йўлланмалар асосида иш жойларига тақсим қилишга киришмоқда.

Коллежимизни битирган мутахассисларга эҳтиёжи бўлган даволаш муассасалари, шунингдек, хусусий даволаш муассасалари талабнома ва сўров хати билан бизга мурожаат этишлари мумкин.

Бизнинг манзил: Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани, 3-мавзе «Е». Телефон: 77-85-94.

«Халқ сўзи»
«Народное слово»

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир
Аббосхон УСМОНОВ

Таҳрир ҳайъати:
Э. БОЛИЕВ (масъул котиб — «Халқ сўзи»),
П. ДЮГАЙ,
Ш. ЖАББОРОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Халқ сўзи»),
Л. КУЧЕРЕНКО (масъул котиб — «Народное слово»),
М. МИРАЛИМОВ,
С. МУҲИДДИНОВ,
Ш. РИЗАЕВ,
А. САИДОВ (бош муҳаррир ўринбосари — «Народное слово»),
М. САФАРОВ,
И. ЎТБОСАРОВ,
А. ҲАЙДАРОВ,
Ў. ҲОШИМОВ.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш корхоналари ва пудратчи ташкилотлар диққатига!

«Даврархитектқурилиш» қўмитасига қарашли ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ КОНСАЛТИНГ МАРКАЗИ танлов савдоси эълон қилади.

Иншоотлар номи

«Қамаши-тола» шўъба корхонаси минтақавий пахта терминали буюртмачилигида

1. «Қамаши-тола» шўъба корхонаси пахта терминали биноларини реконструкция қилиш.
Қурилиш ишларини бажариш муддати — 2004 йил 1 август.
Қурилиш ишларини молиялаштириш шўъба корхона ҳисобидан амалга оширилади.
Манзил: Қашқадарё вилояти, Қамаши тумани. Телефон: (53) 24-587.

8-қурилаётган корхоналар бирлашган дирекцияси буюртмачилигида

1. Ҳисорак сув омбори олдида ГЭС қурилиши учун 80 тонналй кўприкли кран тайёрлаб бериш.
Қурилиш ишларини молиялаштириш ГЭС томонидан ишлаб чиқарилаётган электр энергияни сотиш ҳисобидан амалга оширилади.
Манзил: Қарши шаҳри, Чатқирғоқ кўчаси, 3-уй. Телефон: 226-12-40.

Қурилиш ташкилотлари қуйидаги шартларга мос келишлари керак: етарли касбий ва техникавий малакага, иншоот қийматининг камида 20 фоиз миқдорида айланма маблағига (заҳирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки ушбу маблағларни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятлар ва етарли ишчи кучи ресурсларига, шартнома (контракт) тузишга лаёқатли, юридик ҳуқуққа эга, шунингдек, ўхшаш иншоотларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги ва ишончли бўлиши талаб этилади.

Савдода иштирок этиш ва танлов ҳужжатларини сотиб олиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси

— Қарши ш., Ўзбекистон к., 51-уйда жойлашган капитал қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига мурожаат қилиш мумкин. Тел./факс: 221-07-79.

Оферталар савдо ташкилотчиси томонидан юқорида кўрсатилган манзилда қабул қилинади.

Бир тўплам тендер ҳужжатларининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати. Тендер савдолари эълон матбуотда чоп этилгандан сўнг 30 кундан кейин танлов маркази биносида ўтказилади.
Манзил: Қарши шаҳри, Ўзбекистон кўчаси, 51-уй.

Жаҳон чемпионатига йўлланма

Жиззаҳда самбо бўйича 1984-1985 йилларда туғилган ўсмирлар ўртасида республика биринчилиги мусобақалари якунланди.

Олимпия заҳиралари коллежида бўлиб ўтган беллашувларда Қорақалпоғистон Республикаси ва барча вилоятлардан келган 150 нафардан зиёд ёш спортчи иштирок этди.

Ўз вазн тоифалари бўйича Хоразм вилояти вакили Ойбек Абдуллаев, тошкентлик Расул Тўрақулов, фарғоналик Умид Ҳалимов, бухоролик Шавкат Ўролов ҳамда Нодир Аҳмедов, майдон эгаларидан Ҳусниддин Кубаев, пойтахт вилояти вакили Турсун Нурматов, қорақалпоғистонлик Азамат Турдиев ва юз килограммдан ортиқ вазнли спортчилар ўртасида Ёркин Эркаевлар ғолиб чиқишди.

Энди улар шу йил октябрь ойида ўтказиладиган жаҳон чемпионатида қатнашишади.

Б.САТТОРОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Қўшиқ байрами якунланди

Гулистонда бир ҳафта давом этган "Ўзбекистон — Ватаним маним" қўшиқ байрами якунига етди. Унда мамлакатимизнинг барча вилоятлари, Тошкент шаҳри ва Қорақалпоғистон Республикаси ўқувчи-ёшлари иштирок этишди.

Сирдарё вилояти чет тиллар мактаб-интернати жамоаси танловнинг бош соврини — Гран Прини қўлга киритди. Биринчи ўрин республика ўқувчилар саройининг "Камалак" дастаси ва Янгиариқ тумани фольклор жамоасига насиб этди. Иккинчи ўрин Андижон вилояти мусиқа мактаби ва Самарқанд туманидаги 4-мактаб хор жамоаларига, учинчи ўрин эса Тошкент, Сурхондарё ва Бухоро вилоятлари фольклор жамоаларига насиб этди.

А. ХОНИМҚУЛОВ,
"Халқ сўзи" мухбири.

Ширкат ва фермер хўжаликлари раҳбарлари диққатига!

ТТЗ-80.10, ТТЗ-80.11, ВУ-300, ВУ-304-2 русумли тракторлар корхонадан — тўғридан-тўғри ишлатувчиларга!

«ТОШКЕНТ ТРАКТОР ЗАВОДИ» ДАЖ

сизларнинг истакларингиз, таклиф-мулоҳазаларингизни ҳисобга олиб, мамлакатимиз минтақаларида ўзининг дилерлик тармоқларини ташкил этганлигини маълум қилади.

Қуйида кўрсатилган манзиллардаги дилерлик марказларига мурожаат этиб, майдонларда кўргазмага қўйилган техника воситаларидан сизга маъқул бўлганини сотиб олишингиз мумкин. Марказларнинг мутахассислари тракторларга сервис хизмати бўйича йўл-йўриқлар кўрсатиб, каталогларни сизларга тақдим этишади ва зарур эҳтиёт қисмларни танлаб олиш юзасидан маслаҳатлар беришади.

Ҳисоб-китоб — турли шаклда.

Дилерлик марказларимиз қуйидаги манзилларда жойлашган:

№	Манзил	Дилерлик марказлари номи	Директорлар исм-шарифи	Телефонлари
	I. Қашқадарё вилояти			
1.	731101, Косон шаҳри, Й.Охунбобоев кўчаси, 55-уй.	ТТЗ «Косон-сервис»	Тўраев Ш.С., бош ҳисобчи.	код 37559, 32262, 32697
2.	731306, Ғузор шаҳри, Пахтазор маҳалласи.	"ТТЗ — ММТП" Ғузор	Зарипов Соатмурод Малеевич	код 37555, 22234, 21397
	II. Сурхондарё вилояти			
3.	733000, Денов шаҳри, Остонақулов кўчаси, 107-уй.	ТТЗ «Сурхондарёсервис» ММТП	Чориев Абдусалом Ғаффорович,	код 37641 24601, факс: 21626
4.	733606, Сариосиё шаҳри, Улуғбек кўчаси, 110-уй.	"Сариосиё" ММТП	Эшонқулов Тўхтасин,	код 37641, 31868
5.	733414, Олтинсой тумани, Қорлуқ қўрғони, Охунбобоев кўчаси, 24-уй.	«Олтинсой» ММТП "Ангор"	Ҳусанов Абдураҳмон,	код 37647 51778, уйи: 51578
6.	Ангор тумани, "Талимарон" хўжалиги, 1-бўлим, Қорасув маҳалласи.		Шауманов Тўра Шоуманович.	код 37631, 22047
	III. Хоразм вилояти			
7.	741600, Хонқа шаҳри, У.Юсупов кўчаси, 2-уй.	Хоразм техника маркази	Юсупов Маматсалой,	код 36239, 91932, 92609
8.	740006, Хонқа тумани, У.Юсупов кўчаси.	Янгибозор	Қаландаров Қадам.	уяли: 1545062
	IV. Жиззах вилояти			
9.	708000, Жиззах шаҳри, Лаврентьев шоҳкўчаси, 3-уй.	Жиззах техника маркази	Жўраев Холмурод	код 37222, 31821, 31526
	V. Фарғона вилояти			
10.	713826, Фарғона тумани, Аввал қишлоғи.	Фарғона техника маркази	Раҳмонов Маҳмуд Холматович	код 3732, 255733
	VI. Наманган вилояти			
11.	716003, Наманган шаҳри, Шимолий саноат зонаси, Поляковский к., 19-уй.	Наманган вилояти техника маркази	Зиятов З.С.	код 36922, 40764
	VII. Қорақалпоғистон Республикаси			
12.	743700, Тўрткўл шаҳри, Рашидов кўчаси, 53-уй.	Қорақалпоғистон техника маркази	Мадраимов Илҳомбой Давлатович	код 361 5323293 2214975, 2211200

ESENYA
КУРИЛИШ-ИНЖИНИРИНГ ФИРМАСИ

ЛОЙИҲАЛАШТИРАМИЗ, ҚУРАМИЗ:
- БОЛАЛАР СПОРТ-СОҒЛОМЛАШТИРИШ МАЖМУАЛАРИ;
- БОЛАЛАР МАЙДОНЧАЛАРИ ВА ШАҲАРЧАЛАРИ;
- БАССЕЙНЛАР;
- АКВАПАРКЛАР.

Германия, Италия, Испания, Туркия ва Россия давлатларининг қатор ишлаб чиқарувчи фирмалари дистрибьютери ва етказиб берувчисимиз.

Эскириб колган аттракционлар ва бошқа боғ жиҳозларини техник экспертизадан ўтказамиз, таъмирлаймиз ва қайта тиклаймиз ҳамда ишлаб чиқарувчи заводлардан эҳтиёт қисмларни, механизмларни ва бошқа конструктив элементларни етказиб берамиз.

ESENYA
Bau- und Handelinvestition GmbH
Traunreut - Deutschland
DUNDAR CATALOGUE

БОЛАЛАРГА МЕҲР БИЛАН

Манзилимиз: 700025, Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Абдулла Қаҳҳор кўчаси, 49-уй.
Телефон: +99871 107-16-00. Тел./факс: +99871 152-13-01.

Корхона ўзи тайёрлаган ҳар хил турдаги
МЕБЕЛЛАРНИ
ва 16, 25, 40, 25х25 мм. диаметрдаги металл қувурларни арзон нархларда таклиф этади.

Манзиллар: Тошкент шаҳри, С.Раҳимов тумани, Жомий майдони, «Алимхон савдо уйи» ёки Яккасарой тумани, А.Каҳҳор кўчаси, 42-уй.
Телефонлар: 148-14-72, 104-49-17, 104-49-63, 104-49-67. Факс: 152-26-55.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси институт Маънавият ва маърифат ишлари бўйича 1-проректори, доцент Рустам Одамбоевич Худойбергановга акаси
Эркабой ОДАМБОЕВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Бадиий ижодкорлар уюшмаси жамоаси таниқли рассом Зайнутдин Фахрутдиновга волидаи муҳтарамаси
САЛОМАТХОН аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Ўзбекистон Телерадиокомпанияси жамоаси «Маънавият» студияси муҳаррири Раҳмон Ҳожимуродовга падари бузруквори
РАВШАН отанинг
вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси Дастҳоли рангтасвир кафедраси доценти Зайнутдин Фахрутдиновга онаси
Саломат ая ФАХРУТДИНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Биринчи Тошкент Давлат тиббиёт институти ректорлиги, клиника ва жамоат ташкилотлари Юқумли ва болалар юқумли касалликлари кафедрасининг профессори, тиббиёт фанлари доктори Шавкат Тошканбоевич Азимовга онаси
ТОШБИБИ аянинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

«Ўзтибтехника» акциядорлик компанияси жамоаси компания бошқаруви раисининг муовини Шарифжон Ахунбоевга волидаи муҳтарамаси
Ҳамро ҚУРБОНОВАнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия билдиради.

Камолиддин Беҳзод номидаги Миллий рассомлик ва дизайн институти жамоаси ҳайдовчи Зокир Аширметовга отаси
Нурмат АШИРМЕТОВнинг
вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

БЎЛИМЛАР:

Ижтимоий-сиёсий ҳаёт — 133-57-34; 133-78-92
Иқтисодиёт — 136-36-65; 132-10-65
Маънавият ва маърифат — 136-35-60;
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар — 133-52-55;
Фан, соғлиқни сақлаш, таълим ва туризм — 133-10-17;
Янгиликлар ва халқаро ҳаёт — 132-11-15; 132-12-08
Котибият — 133-10-28;
Эълонлар — 136-09-25.

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Буюртма Г — 669, 28754 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Қоғоз бичими А — 2. Офсет усулида босилган.

Газета таҳририят компьютер базасида терилди ҳамда операторлар Ж. ТОҒАЕВ ва Б. ФАЙЗИЕВ томонидан саҳифаланди.

Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — А. Ҳайдаров.
Навбатчи — Ҳ. Каримов.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

МАНЗИЛИМИЗ: 700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Таҳририятда ҳажми 5 қоғоздан зиёд материаллар қабул қилинмайди.
t — тижорат материали.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41.

Босишга топшириш вақти — 21.00.
Топширилди — 4.00
1 2 3 4 5